

ЎЗБЕК ТИЛИ МОРФОЛОГИЯСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ДАСТАВКИ БОСҚИЧЛАРИ ХУСУСИДА

Қ.А.Қадилов – филология фанлари номзоди, доцент

С.Аминова – магистрант

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: тилшунослик аспекти, морфология, тавсиф, тадқиқ, тил тизимлари.

Ключевые слова: лингвистические аспекты, морфология, описание, исследование, языковая система.

Key words: linguistic aspects, morphology, description, research, language system.

Кейинги йилларда ўзбек тилшунослиги тарихини ўрганишга кизиқиш тобора ортмоқда. Маълумки, ўзбек тилшунослиги илмий тилшунослик сифатида ўтган асрнинг 40-80-йилларида шаклланди деб эътироф этилади [1], лекин ўзбек тил билими дастлаб туркий тилшунослик ичида ва негизда ҳамда мустақил равишда XI асрдан буён ривожланиб келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ўзбек тилшунослиги тарихини ўрганишга XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб эътибор берилди. Унгача бўлган даврда ўзбек тилшунослиги тарихи бўйича айрим мақолалар юзага келган эди, лекин тилшуносликнинг таркибий соҳаси сифатида шаклланмаган эди. Ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб, ўзбек тил билими илмий асосларда ўрганила бошланди ва С.Аширбоев, Л.Т.Чичулина, М.М.Қурбонова, Ш.Э.Бобомуродовлар ўз тадқиқотларини ўзбек тилшунослиги тарихига бағишладилар [2]. Шунингдек, ўзбек тилшунослигини ижтимоий-сиёсий тарихий шароит билан боғлаб яхлит ҳолда ҳам ўрганилган ишлар ҳам юзага келди [1]. Ўзбек тилшунослигининг 20-йиллардаги тараққиёти бўйича айрим маълумотлар бўлса-да, ўзбек тилининг грамматик (морфологик) қурилиши тўлиғича қандай ёритилганлигини ўрганиш ҳамон эътибордан четда қолмоқда. Айниқса, 20-йилларда ўзбек тили морфологик қурилиши, унинг илмий асослари, унинг шаклланишида асос бўлган манбалар, ҳар бир морфологик ҳодисанинг талқини каби масалалар илмий тадқиқотини кутиб ётибди, бошқача айтганда, 20-йиллардаги даврнинг ўзбек тили морфологиясининг структураси ҳозирга қадар тил илмида ўрганилмаб келмоқда.

Ўзбек тилининг ўрганилиш тарихи ўзбек тилшунослигида алоҳида соҳа сифатида шаклланмоқда. Ўзбек тил билими тарихига оид изланишларни қуйидагича уч гуруҳга ажратиш мумкин.

1. Муайян давр тилшунослик асарларини умумлаштириб ўрганишга бағишланган тадқиқотлар;

2. Муайян тилшуноснинг меросини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар;

3. Ўзбек тилшунослигини ялпи тавсиф ва тадқиқ қилишга бағишланган тадқиқотлар.

Биринчи тоифага С.Аширбоев ва Л.Г.Чичулина тадқиқотларини киритиш мумкин [2].

С.Аширбоев XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида ижтимоий ҳаётнинг тақозоси, яъни Ўрта Осиёнинг чор Россияси томонидан босиб олинishi билан боғлиқ равишда Туркистон ўлкасига келиб турли хизмат вазифаларини бажарган шахслар томонидан яратилган ўзбек тили грамматик (морфологик) қурилишига оид асарларни таҳлил қилади. Ишда М.Терентьев, А.В.Старчевский, З.Алексеев ва А.В.Вишневский, С.А.Лапин, В.Наливкин, М.Наливкина, И.А.Беляев, Л.Афанасьев, Н.Будзинский, Н.Остроумовлар томонидан яратилган асарларда морфологик структуранинг акс этиши, у ёки бу морфологик ҳодисанинг қандай талқин қилиниши, ўз асарларига қайси манбалар асос бўлганлиги, ўзбек тилига хос бўлган хусусиятларининг тўғри ёки янглиш талқин қилиниши тўғрисида, қиссий таҳлилларда ўша давр тилшунослигининг аҳволини ёритиб беради. С.Аширбоевнинг тадқиқоти тўлалигича ўзбек тилининг структураси талқинига бағишланган, лекин диссертацион ишда юқоридаги асарларнинг юзага келишидаги ижтимоий ҳолат ва зарурияти тўғрисида

ҳам гап боради. Ишда асосан мустақил сўз туркумлари талқини берилган.

Л.Г.Чичулинанинг номзодлик диссертациясида 1907 йилдан 1974 йилгача бўлган даврдаги ўзбек тилшунослиги тарихи ёритилган. Унда рус олимларининг ўзбек тили тарихи, ўзбек тилининг диалектал таркиби, ҳозирги ўзбек тилининг фонетикаси, грамматикаси, ўзбек тили лексикологияси ва лексикографияси масалаларининг рус туркологлари томонидан ўрганилиши ёритилган.

Мазкур тадқиқот рус туркологларининг ўзбек тилшунослигидаги ўрни, ўзбек тил билимига қўшган ҳиссаси, унинг ўзбек тилшунослигининг кейинги даврдаги тараққиётидаги аҳамияти, ўзбек тилшунослари тадқиқотларига уларнинг таъсири каби масалалар эътибордан четда қолади, қолаверса, жаҳон тил билимида ўзига хос из қолдирган Е.Д.Поливановдек машҳур тилшунослар алоҳида тадқиқот объекти бўлиши мумкин эди. Шунга қарамадан Л.Г.Чичулинанинг иши рус туркологларининг тадқиқотлари тўғрисида яхлит тасаввур уйғота олади.

Иккинчи тоифа тадқиқотларга М.М.Қурбонова ва Ш.Э.Бобомуродовларнинг ишларини келтириш мумкин.

М.Қурбонова номзодлик диссертациясини «Фитратнинг тилшунослик мероси» деб номлаган [3]. Ушбу диссертацияси асосида «Фитрат тилшунос» рисоласини чоп этган [3]. М.Қурбонова ўз ишида «Фитратнинг илмий-назарий қарашлари», «20-йиллардаги алифбо ва имло жараёни ва Фитратнинг ушбу жараёндаги фаолияти», «Фитратнинг ўзбек тили грамматикаси ҳақидаги илмий-назарий фикрлари» тўғрисида боблар белгиланган бўлса-да, унинг мазмунида Фитратнинг тилшуносликнинг умумий масалалари, тил сиёсати, жумладан, пантуркизм, пуризмга оид фикрлари, тил ва имло, тилнинг фонетик, лексик ва грамматик хусусиятлари тўғрисидаги фикрлари таҳлил қилинган ва унинг ҳозирги тилшуносликда тутган ўрни ва аҳамияти изоҳлаб берилган.

Ш.Э.Бобомуродова ўз тадқиқотини Элбекнинг тилшунослик меросига бағишлади. Шуниси эътиборлики, Ш.Бобомуродова Фитрат бошчилигидаги «Чигатой гурунги» аъзолари ўзбек тилининг илмий асосларини ўрганишда араб тили грамматикалари асосида эмас, балки унинг ички хусусиятларидан келиб чиқиб ўрганишни тушуниб етганлигини қайд қилади [4:6]. Бу ўринда бир масалага аниқлик киритилиши ўринли бўлади. XX аср бошларидаги ўзбек тили бўйича асар яратишга мушарраф бўлган А.Фитрат, Элбек, М.Қори, Қ.Рамазон ва Ш.Зуннунлар ҳар қанча ўзбек тилининг ички хусусиятларини ёритишга интилмасин, барибир грамматик қурилишни асосан, араб, қисман рус тили грамматик тизимидан чиқиб кета олмас эдилар, ҳозир ҳам бу тилларнинг грамматик тизими тил билимимизда сақланиб келмоқда. Тўғри, улар ўзбек тили фактларини танлашда, грамматик тизимга солишда ўзига хос оригиналликка эришган дейиш мумкин, лекин ҳозирги дунё тилшунослиги ўз ривожланиш йўлида қадимги хинд, грек ва латин, ўрта аср араб тилшунослигига асосланганлигини унутмаслигимиз даркор [5].

Ш.Бобомуродованинг юқорида номланган ишида Элбекнинг имло ва луғатшуносликдаги ўрнини кўрсатиб бериши ва XX аср бошларидаги илмий-назарий

қарашларини ёритиб бериши билан катта аҳамият касб этади.

Учинчи тоифа ишларга А.Нурмонов ва Б.Ўринбоевларнинг тадқиқотларини киритиш мумкин.

А.Нурмонов ўзбек тилшунослигининг асосларини туркий дунё фалсафаси, туркий тилшуносликнинг илк намунаси «Девону лугатит ат-турк» каби асарлардан кидиради. Бу бежиз эмас, балки тил қонуниятлари фалсафий қонун ва категориялар ичида ёритилиши ўзининг узок тарихига эга.

Шуниси эътиборлики, А.Нурмонов ўзбек тилшунослиги тарихини илк бор даврлаштиради ва унга ўрнатган даврлари бўйича ижтимоий-сиёсий жараёнлар билан боғлаган ҳолда тавсифлар беради ва ўзбек тилшунослигини даврлаштиришда тарихий-сиёсий таъмоилдан келиб чиққанлиги кўриниб туради.

Адабиётлар

1. Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. –Тошкент: «Ўзбекистон», 2002, 165-202-б.
2. Аширбоев С. Ўзбек тили грамматик қурилишининг ўрганилиши тарихидан (1875-1917 йиллар рус туркологлари асарлари асосида). Номзодлик диссертацияси. –Тошкент. 1975; Чичулина Л.Г. Из истории изучения узбекского языкознания (по трудам русских туркологов 1917-1974г.г.). Номзодлик диссертацияси. –Тошкент: 1975.
3. Қурбонова М.М. Фитратнинг тилшунослик мероси. Номзодлик диссертацияси. –Тошкент: 1993; М.Қурбонова. Фитрат - тилшунос – Тошкент, «Университет», 1996.
4. Бобомуродова Ш.Э. Ўзбек тилшунослиги ривожда Элбекнинг роли. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Тошкент: 2002.
5. Усмонов С. Умумий тилшунослик. –Тошкент: «Фан», 1982.

Ushbu maqolada o'zbek tilshunosligining shakllanishini o'rganishning ba'zi masalalari muhokama qilinadi.

В данной статье рассматриваются некоторые вопросы изучения становления узбекского языкознания.

In the article the author deals with the problems of studying the periodization of Uzbek Linguistics.

РЕЗЮМЕ

РЕЗЮМЕ

SUMMARY

ҚАРАҚАЛПАҚ ТИЛИНДЕГИ СОМАТИКАЛЫҚ ФРАЗЕОЛОГИЗМЛЕРДІҢ МӘНИЛЕРІ ҲАҚҚЫНДА

У.К.Кеулимжаева - студент

Бердақ атындағы Қарақалпақ мәмлекетлик университети

Таянч сўзлар: фразеологизм, синоним, синонимик фразеологизм, соматик фразеологизм, компонент.

Ключевые слова: фразеологизм, синоним, синонимичный фразеологизм, соматический фразеологизм, компонент.

Key words: phraseological units, synonym, synonymous phraseologism, somatic phraseologism, component.

Бүгінги күнде фразеология тез пәт пенен раўажланып баратырған лингвистиканың айрықша бир тараўына айланды. Фразеологизмлердің халықтың руўхый мәдениеті, социаллық турмысы тийкарында қәлиплесіўин этнолингвистикалық, этномәдени, прагмалингвистикалық, социолингвистикалық аспектері бағдарында изертлеўлер раўажланбақта. Фразеологизмлер – ҳәрбир тилдің көркем образлы, мәни өткирлигине ийе болған бийбаха байлығы [1:5].

Қарақалпақ тилиндеги фразеологизмлердің мәнилик түрлериниң ишинде адамның дене мүшелерине байланыслы сөзлер менен келген фразеологизмлер белгили орын тутады. Бундай сөзлер фразеологизмлердің қурамында усы дизбектиң уйтқысы ретинде хызмет етеди. Мәселен, тил, жүрек, көз, аўыз, қол, тис, аяқ хәм т.б. сөзлер уйтқы сөзлер қатарына киреди» [2:31]. Ал, белили қарақалпақ алымы Е.Бердимуратов: «Қарақалпақ тилинде фразеологиялық сөз дизбеклериниң көпшилиқ топары адамзат тарийхында белгили бир әхмийетке ийе болып келген ең жақын затлар менен қубылыслар дөгерегинде пайда болғанлығын көремиз» деген пикирди айта келип, адамның дене мүшелериниң атамаларына байланыслы тил, аўыз, жүрек, қол, бет, бас, мурын, қулақ, өкпе сөзлери фразеологиялық сөз дизбеклериниң қурамында өнимли ушырасатуғынын атап көрсетеди [3:136]. Бундай соматикалық фразеологизмлер дүнья тиллериниң бәрине теңдей қубылыс болып есапланады. Адамның дене мүшелери атамалары көп мәнили болғанлықтан, олар жаңа сөзлерди жасаўда, соның менен бирге, фразеологизмлердің көп екенин бир ғана «көз» сөзи менен пайда болған фразеологизмлердің өзинен-ақ көрип билиўге болады. Усы көзқарастан биз

мақаламызда қарақалпақ тилинде кең қолланылып киятырған «көз» компонентли синоним фразеологизмлердің мәнилик өзгешеликтери ҳаққында сөз етемиз.

«Көз» сөзи менен байланыслы фразеологизмлер өз ара бир-бири менен синоним болып келеди, яғный, бир фразеологизм менен екінши бир фразеологизм бир лексикалық мәниге тең болады. Мысалы: Оразан батырдың бул қараўы аўыл менен хошласқаны еди, атының басын қублаға қаратып ушы қайырсыз жазықлыққа бир көз жуўырты да, ат үстинен еңкейип Маманның қалпағын алып, айдарынан бир сүйди (Т.Қайыпбергенов). Болмаса сениң босағада көз тигип гүзететуғыныңызды билмейди дейсең бе? (М.Нызанов). Ғарры балаға кийим пишежақ машыншыдай бастан-аяғына жаңа көз жуўыртып еди, биреўге шырамытқандай енди тесирейип қарады (Ш.Сейтов). Хәр дайым бир бирине көзи түсип жымыйып уялғанынан төмен қарасқан пайытлары Сапардың қолына ручка кирип бул партаның өзине тийискен күнин ең бахытли күн деп санайды (М.Нызанов). Екеўи де зәңгиге ширенисип алдыңғы шок-шок қара үйлер менен суўын-суўын қосларға олардың арасында үйме-үй жуўырысқан жалаңақ тиленшилерге, хәр жерде екеў-үшеў болып жәнжеллескенлерге қараған болып, бир қапталлап қыздан көз алмады (Т.Қайыпбергенов). Дүньяда аўыр жүк кисилердің көз жас төккенин көре бериў екен (Т.Қайыпбергенов). Қарағым-аў, бармедин?! – деп ол мени көзинен жас төгип қушақлап алды (М.Нызанов). Өзин тас баўырман деп жүрер еди, яқ, оның көз жаслары көл болып акты (Алп Султан). ...жүдә жумсақ, әлпайым сөйлести, елдің алаўызлығына жаны төзбей көзлерине жас алып